

## ХП. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ


2018 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг миқдори юқори бўлган тармоқ фаолият турлари бўйича кўрсак молиявий ва суғурта фаолиятида 2786,8 минг сўм, ташиш ва сақлашда 2360,2 минг сўм, саноатда 2041,0 минг сўмни ва савдода 1771,7 минг сўмни ташкил этган.



**Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи**

2018 йил январь-сентябрь ойларида


*(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари минг сўм)*



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Урганч шаҳрида 1731741,3 сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан (125,5 %) ташкил этган бўлса, Хазарасп туманида 1410835,2 сўмни (102,2 %), аксинча Урганч туманида 1299998,5 сўмни (94,2%), Янгиариқ туманида 1250627,6 сўмни (90,6 %) ва Хонқа туманида 1243568,8 сўмни (90,1%) туманларда камайиш кузатилди.

#### Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2018 йил январь-сентябрь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан, % да)



**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январь-сентябрь ойларида 456326,8 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

**Хоразм вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(январь-сентябрь; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, сўм)

	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати, %
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>1221972,3</b>	<b>1380317,4</b>	<b>113</b>
Урганч шаҳар	1464448,0	1731741,3	118
Хива шаҳар		1213159,5	-
<i>туманлар:</i>			
Богот	1083109,5	1181873,0	109
Гурлан	1055724,9	1142967,9	108
Қўшқўпир	1114756,2	1191576,5	107
Урганч	1113435,3	1299998,5	117
Хазорасп	1213700,4	1410835,2	116
Хонқа	1152152,2	1243568,8	108
Хива	1074896,3	1187711,7	110
Шовот	1076008,8	1084615,6	101
Янгиариқ	1145645,9	1250627,6	109
Янгибозор	1038149,2	1130683,8	109

